O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 14-noyabr • № 46 (3978)

# ҲАМ ДАЪВАТ, ҲАМ ИБРАТ

**Сурхондарё вилоятида ҳаётимизнинг Асосий қонунига бағишланган адабиёт кунлари бўлиб ўтди.**

Куз оёқлаб қолди. Ҳосилдан бўшаган далаларда келгуси йил тараддуди. Асл деҳқон кузда ҳам, баҳорда ҳам даласидан узоқ кетмайди. Янги режалар тузади.

Бу йил деярли қурғоқчилик бўлди. Лекин ғаллакорга ҳам, пахтакорга ҳам табиатнинг бу синови янгилик эмас, сув тақчиллигини ўз бошидан кўп бор ўтказган. Шу боис омилкорлик билан иш тутган миришкорлар қийинчиликларни енгиб, кутилган натижага эришдилар.

Ўтган ҳафтада Сурхондарёда вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган адабиёт кунлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қаҳрамони, уюшма раиси Абдулла Орипов бошчилигидаги бир гуруҳ таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, журналистлар, сурхондарёлик машҳур пахтакорлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, ишбилармон фермер ва тадбиркорлар иштирокида ўтган учрашувларда вилоят меҳнаткашларининг бу йилги меҳнат ғалабалари, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги неъматлари етиштиришдаги жасоратлари ҳақида гап борди.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган буюк бунёдкорлик ишларига, ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги ўзгаришларга наинки ҳаммамиз гувоҳмиз, айни чоғда бу ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси ҳам бўлиб турибмиз, — деб таъкидлади Абдулла Орипов вилоят театри биносида ўтказилган анжуманда. — Давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳбарлиги остида ишлаб чиқилган Асосий қонунда ҳуқуқ ва бурчларимиз, мустақил давлатнинг фуқаролари сифатидаги масъулиятимиз ҳам аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Ўн етти йил тарих мезонлари билан ўлчанганда унча катта муддат эмас. Аммо шу йиллар ичида мустақил мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти сафидан мустаҳкам ўрин олиши, жамият ҳаётини эркинлаштириш, демократик тамойилларга амал қилиш борасидаги ютуқларимиз, ҳеч шубҳасиз, бу йилларнинг улкан ғалабаси ҳисобланади.

Йиғилишда сўз олган Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Усмон Азимов, Маҳмуд Тоир, муҳаррирлар Эркин Аъзам, Аҳмаджон Мелибоев, шоир Бахтиёр Генжамурод ва бошқалар бугун маънавий-маърифий ҳаётимизда кечаётган жараёнлар, замонамиз қаҳрамонлари, улар тўғрисида яратилаётган адабий-бадиий асарлар, ижодкор зиёлиларнинг фаоллиги тўғрисида фикр юритдилар. Истиқлолга, бугунги тинчтотув, эмин-эркин ҳаётимизга шукроналик руҳида шеърлар ўқилди, санъаткорлар янги куй-қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни оммавий спорт соҳасига жалб этиш, бунинг учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш бўйича ҳам жиддий ишлар қилинди. Бугун бу соҳадаги ғалабаларимизга ҳавас қилмайдиган бирон бир мамлакатни топиш қийин. Вилоят, шаҳар ва туман марказларидагина эмас, олис қишлоқларда ҳам қуриб фойдаланишга топширилган спорт комплекслари, гимнастика, кураш, сузиш заллари, волейбол, баскетбол майдончалари, футбол стадионлари янги соғлом авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиз вакиллари дунё миқёсида ўтказилаётган нуфузли беллашувларда, жаҳон ва қитъа биринчиликларида ғолиб бўлиб, мустақиллик йилларида ўзбек кураши, футболи, бокси ва бошқа соҳалар нечоғли ривожланганлигини намойиш этмоқдалар.

Шу йил Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз вакиллари муносиб қатнашиб, жиддий ютуқларни қўлга киритдилар. Ўзида ҳалоллик, бағрикенглик ва рақибга нисбатан ҳурмат туйғуларини мужассам этган ўзбек кураши жаҳонни мафтун этгани, дунёнинг юз элликдан ортиқ мамлакатида курашнинг айни шу тури бўйича миллий федерациялар тузилгани биз учун чинакам ифтихор ҳисобланади. Бундай мавқега эришишимизда сурхондарёлик полвон Абдулла Тангриевнинг улкан хизматлари бор. Термиз шаҳридаги янги "Кураш мажмуаси"да Олимпиаданинг кумуш медалига сазовор бўлган Абдулла Тангриевни, таниқли полвонимизнинг мураббийларини юртдошлари яна бир бор самимий қутладилар.

— Бундай муваффақиятга эришишимда муҳтарам Юртбошимизнинг биз спортчиларга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлиги, яратиб берилган шароит, халқимизнинг дуолари катта аҳамиятга эга бўлди, — деди Абдулла Тангриев ҳаяжон билан. — Мақсадим — Лондон шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги Олимпиадага муносиб тайёргарлик кўриш ва у ердан олтин медал билан қайтиш.

**Давоми олтинчи бетда.**



*Хивалик санамлар.* **М.АҲМЕДОВ олган сурат.**

# РЕГИСТОНДА ЯПОН МУСИҚАСИ ЯНГРАДИ

**Мусиқа ўз сеҳри билан элларни элларга, дилларни дилларга пайванд этади. Таралаётган ҳар бир куй ёки қўшиқда миллатнинг қалби, орзу-умидлари, кураш йўллари ўз аксини топади.**

Самарқанддаги Регистон майдонида жаҳон мусиқа мероси ва маданиятига бағишлаб ўтказилган навбатдаги маданий тадбир қадим япон сарой мусиқасига бағишланди. Тадбир Японияда тузилган жаҳон мусиқа мероси концерти қўмитаси ҳамда Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур қўмита аъзолари, Япониядан юртимизга келган 150 дан ортиқ саёҳатчилар, Япониядаги бир қатор сайёҳлик ва ахборот компанияларининг вакиллари, Самарқанд шаҳри жамоатчилиги вакиллари, мусиқашунослар созандаларнинг қадим япон чолғу асбобларида ижро этган куйларини, шунингдек, Самарқанд Санъат коллежи талабалари ижросидаги ўзбек халқ мумтоз куйларини мароқ билан тингладилар. Махсус қурилган саҳнада япон сарой мусиқасининг моҳир ижрочиси Токи Хидеки ўз маҳоратини намойиш этиб, илдизлари олис мозийга бориб тақаладиган "Гагаку" туркумига кирувчи куйларни ижро этди.

— Ҳукуматимиз жаҳон маданий меросини ўрганиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда турли мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон билан маданий ҳамкорлик алоқаларини олиб боришга, мусиқа санъати тарихини ўрганишга ва бу бебаҳо меросдан ёш авлодни баҳраманд қилишга алоҳида эътибор беради, — деб таъкидлади концерт ташкилотчиларидан бири Аичи Казуо. — Шу боисдан ҳам биз сарой мусиқасига бағишланган бу йилги концертлар туркумини Самарқанддан бошлашга қарор қилдик. Бунинг боиси, мамлакатимизда бу қадим шаҳар тарихига, темурийлар даври маданияти ва санъатига қизиқиш жуда катта. Бу ердаги маҳобатли ёдгорликлар, қўли гул усталарнинг ноёб истеъдоди билан амалга оширилаётган таъмир ишлари кишини ҳайратга солади. Самарқанднинг ҳар кўчасида мозийнинг нафаси уфуриб туради. Айни шу концертни тинглаш учун Япониядан кўплаб сайёҳлар келганлигининг ўзи фикримни исботлай олади. Навбатдаги концертларимизни келаси йили Жанубий Корея ва Хитойда ўтказишни режалаштирганмиз. Менга Бобур Шарипов раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли ва Самарқанддаги Санъат коллежи талабаларининг ижроси маъқул бўлди. Мамлакатингизнинг мухлиси сифатида мен бу қадим диёрга яна кўп бор келишни орзу қиламан.

— Ушбу концертда фаол иштирок этганимиздан хурсандман, — дейди коллеж директори Исмоил Ибодов. — Япониялик машҳур санъаткорлар билан бир саҳнада куй ижро этиш талабаларимиз учун фойдали сабоқ бўлди. Муҳими, ҳар икки мамлакат куй-қўшиқларини тинглар экансиз, улар замиридаги уйғунлик, мусиқанинг бетакрор таъсир кучи кишини лол қолдиради.

Тадбирда Самарқанд шаҳар ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

# ТОШКЕНТДА "БОЛТИҚ УЙИ" ТЕАТР-ФЕСТИВАЛИ

**Ўзбекистон Ёшлар театри кўп йиллардан буён нуфузли жаҳон театрлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Театр Ўзбекистон санъат арбоби Наби Абдураҳмонов бошчилигида мустақиллик шарофати билан Россия, Украина, Латвия, Исроил, Франция, Буюк Британия каби мамлакатлар театрлари билан ижодий алоқада янги-янги лойиҳалар асосида турли халқаро театр фестивалларида иштирок этиб, ўзбек маданиятига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Театр илк бор экспериментал (тажрибавий) театрлар 4-халқаро фестивалида (Миср), "Чеховни ижро этамиз" мавзуидаги Москва фестивалида ва 1993 йили биринчи мартда Тошкентда ўтказилган "Шарқ ва Ғарб театри" халқаро фестивалида қатнашиб, ўзига хос ижрочилик мактабига, ижодий йўналишга эга жамоа сифатида хориж театрлари эътиборини қозонди.**

Бу эътибор Ёшлар театри ва унинг раҳбари Н.Абдураҳмоновни 1998 йили "Хумо" халқаро ёшлар театри фестивалини ташкил этишга ва унинг биринчи тадбирини пойтахтимизда ўтказишга даъват этди. 2000 ва 2002 йилларда яна юртимизда ўтказилган бу халқаро фестивалда хориж театрлари ҳам фаол қатнашдилар.

2003 йилдан бошлаб Ёшлар театри ҳар йили март-апрел ойлари Санкт-Петербургнинг "Болтиқ уйи" театр-фестивали қошида ўтказиладиган "Россия учрашувлари" халқаро театр анжуманининг мунтазам иштирокчисига айланди.

"Болтиқ уйи" театр-фестивали раҳбарияти Ёшлар театри билан ижодий алоқани янада мустаҳкамлаш мақсадида режиссёр Наби Абдураҳмоновни 2008 йилнинг бошида Т.Зулфиқоров асари асосида "Хўжа Насриддиннинг биринчи муҳаббати" спектаклини саҳнага қўйиш учун таклиф этган эди. Спектакл премераси шу йилнинг март ойида "Болтиқ уйи" театрида муваффақиятли ўтди.

Мана бугун эса шу театр ижодий жамоаси пойтахтимизда "Болтиқ уйи" Тошкентда" номли театр фестивалини юртдошларимизга тақдим этмоқда.

Театр-фестивал иштирокчилари Миллий театр саҳнасида "Насриддиннинг биринчи муҳаббати", "Илҳом" театрида "Олтин инсон" ва Ёшлар театри саҳнасида "Му она ва унинг дўстлари саргузаштлари" спектаклларини кўрсатадилар. Фестивалнинг охирги куни ўзбек санъаткорлари санкт-петербурглик театр ижодкорлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Ёшлар театрининг 80 йиллиги муносабати билан дўстлик тантанасини ўтказадилар.

Ана шу фестивал муносабати билан ўтказилган матбуот анжуманида "Халқаро Болтиқ фестивали маркази" жамғармаси директори Инна Стерлигова шундай деди:

— Тошкент шаҳрида "Болтиқ уйи" театр фестивали ўтказилиши тасодифий эмас. Бу Ўзбекистон Ёшлар театри билан кўп йиллик ижодий ҳамкорлик натижасидир. Бундай тадбирларни илғор хорижий театрлар билан уюштириш биз учун анъанага айланиб қолган. Биз ҳар икки-уч йилда бир марта жаҳон театрларининг истеъдодли режиссёрларини таклиф этамиз. Бу гал ҳам шундай бўлди.

**Давоми иккинчи бетда.**



# ТАЛҚИНДА ЎЗЛИК ИФОДАСИ

*Тақдимот*

Куни кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан чоп этилган "Меҳрга йўғрилган ижод" китобининг ҳамда Миллий кутубхона томонидан тузилган "Ҳаёт билан ҳамнафас ижод" деб номланувчи методик-библиографик қўлланманинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов шундай деди: "Меҳрга йўғрилган ижод" тўпламидан ўрин олган адиб ва мунаққидларнинг мақолаларида ёзувчи асарларининг муҳим йўналишлари акс этган. П.Қодиров асарлари ҳозиргача жаҳоннинг ўн-ўн беш тилига ўгирилган бўлса, аминманки келажакда бундан-да кўп тилларга ўгирилади. Пиримқул ака "ўзлиги"ни йўқотмаган ижодкорлардан. У тарихий сиймолар образи устида ишлар экан, улар талқинида ўзининг "ўзлиги"ни ҳам ифодалайди. Ижодкорни ўзгалардан ажратиб турувчи муҳим жиҳат ҳам шунда!" Шундан сўнг олимлар Тўра Мирзаев, Умарали Норматов, Абдулла Аъзам, Пирмат Шермуҳаммедов ҳамда Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ва бошқалар сўзга чиқиб, тўплам хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда оқсоқол ёзувчимизнинг ўзи ҳам иштирок этди. Китобхонлар билан биргаликда бўлиб ўтган бу маросимни миллий кутубхона директори Абдусалом Умаров бошқарди.

# ЮЗ БОР ЭШИТГАНДАН КЎРА...

*Мулоҳаза учун мавзу*

Бугунги кунда биз ёшларга яратилаётган имкониятлар, айниқса, иқтидорли навқирон авлод вакилларига бўлган эътибор таҳсинга лойиқ. Жумладан, талантли қизларимиз учун таъсис этилган Зулфия мукофоти, ёш ижодкорлар учун ҳар йили ўтказилаётган Зомин семинарлари, турли-туман давлат стипендиялари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва "Фонд форум"нинг турли танловлари ёшларимизга билдирилаётган юксак ишончнинг далилидир. Тўғри, буларнинг барчаси бизнинг ютуғимиз, фахримиз, ғуруримиз.

Лекин мени бошқа бир нарса ўйлантиради. Бугун маънавият, маънавиятли ёшлар, уларнинг ютуқлари ҳақида тўлқинланиб гапирамиз. Афсуски, ҳаммамиз ҳам бой маънавиятли, истеъдодли ёшлармиз, дея олмаймиз. Кўпгина тенгдошларимизнинг ўз маънавиятини бойитиш учун кутубхоналарга, театрларга, турли музейларга, зиёратгоҳларга тез-тез бориб туришга "вақт"лари йўқ. Айримларимиз бундай жойларга охирги марта қачон борганлигимизни эслай олмасмиз, балки. Чунки бизнинг бундан-да фойдалироқ, зарурроқ "юмушлар"имиз бор... Кутубхонага бориш, у ерда соатлаб михланиб ўтириб, китоб ўқиш, театр, музейларга тушиш, музей экспонатлари билан танишиш зерикарли гўё. Айниқса, адабиёт музейлари қуруқ қоғозлар-у китоблардан иборат, деб ўйлаймиз.

Йўқ, аслида ундай эмас экан. Чунки мен яқинда пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом уй-музейини зиёрат қилиб, бу фикрнинг нотўғри эканига амин бўлдим. У ердан бир олам таассурот билан қайтдим.

Ғафур Ғулом уй-музейи икки бўлимдан иборат бўлиб, барча экспонатлар жуда яхши сақланган. Музей жойлашган майдон унчалик кенг бўлмаса-да, ҳовлида шинамгина боғ ва шоирнинг муаззам ҳайкали, устоз эккан мевали дарахтлар, изи қолган хонадон — буларнинг барчаси зиёратчилар кўнглида эзгу ҳисларни уйғотади. Камина музейни томоша қилар эканман, гўё хаёлимда XX асрдаги пойтахтимизнинг Эски шаҳар қиёфаси, маҳаллалари, ижтимоий-маданий ҳаёти, энг асосийси, устоз Ғафур Ғулом ҳақидаги китобларда ўқиганимиз, ТВ ва ОАВларидан билганимиздан кўра кўпроқ, жонлироқ тасаввурлар кўз олдимда гавдаланди. Устознинг гоҳ қувноқ, гоҳида маҳзун чеҳралари бир-бир намоён бўлаверди. Ҳайратланарлиси, кўпгина экспонатлар, яъни Ғафур Ғулом ўқиган қўлёзмалар, кийган кийим-кечаклари, дутор-у танбурлар, умуман, шоир фойдаланган барча буюмлар ҳалиҳамон аслидай турибди. Жумладан, мана бу занг соат, териб қўйилган шахмат доналари, косаю чинни пиёлалар. Бу чинни пиёлалардан устоз, унинг хонадонига ташриф буюрган азиз меҳмонлар чой ичишган! Мана бу кўзойнак ва биллур сиёҳдон шоирга умрбод ҳамроҳ бўлган. Шкафлардаги том-том китобларга қараб, устознинг умри шулар билан сермазмун ўтган, дея ўйладим. Ўйлаяпман-у, хаёлимда гўё устоз иш билан қаёққадир чиқиб кетганлару, ҳали замон келиб қоладигандай...

Музей директори Олмос Ғафуровна ҳам биздан қизиқарли суҳбатларини аямадилар. Бу эса, бизни янада тўлқинлантирди. Хуллас, музейдан ўзгача бир ҳислар билан, ажиб бир таассуротлар билан уйга қайтдим. Ва шунга ишончим комил бўлдики, юз бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал экан. Биз ёшлар энг фойдали сабоқни атоқли адибларимиз уй-музейларида ҳам олишимиз мумкинлигига иқрор бўлдим.

**Наргиза НАЗАРОВА,**
**ЎзМУ ўзбек филологияси факултети магистранти**

# СИЗ "БУЮК"МИСИЗ?..

Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Жалолиддин Мангуберди, яқин ўтмишдан Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор...

Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Халқимизнинг азиз фарзандлари номини келтираётганимнинг сабаби, уларнинг маънавий мероси, буюк кашфиётлари ҳар бир авлод учун ҳам сабоқ, ҳам ўрнак эканлигини эътироф этишдир. Бинобарин, бундай аждодларимизни "буюк" дея атасак бўлади.

Буюклик юксак иқтидор, жасоратли меҳнат, йиллар давомида Ватанга, миллат тараққиётига қилинган хизматнинг натижасидир. Афсуски, баъзан матбуотда, телевидение-радиода бу сўзнинг маъносига етмай, енгил-елпи қўлланилаётгани кишини ранжитади.

Октябр ойи якшанбаларидан бирида "Ўзбегим таронаси" радиосида бир эшиттиришни тингладим. Жамшид Хожиниёзов актёр Алишер Узоқов ва актриса Ойдин Юсупова билан суҳбат олиб борди. Радио-телевидение орқали тинимсиз реклама қилинаётган "Шабнам" филми ҳақида гап кетганда бошловчи: "ҳаттоки **буюк режиссёримиз** ҳам бу филмга юқори баҳо бердилар", деди. Буюк режиссёр... Рустам Саъдиев экан.

Тўғри, шоу-бизнес оламида тингловчи ёки томошабин билан тил топиш йўлида изланаётган режиссёрларимиз меҳнатини қадрлаймиз. Бироқ, уларни буюк деб аташ ўринли бўлмаса керак? Кино соҳасида маълум ютуқларга эришаётганимиз рост, аммо буюк ишлар ҳали олдинда эканлиги ҳам бор гап.

Бундай мисолларни ҳаётимизда кўп бор учратамиз. Икки ёшнинг висол оқшомларида баъзи тили бурро ўртакашлар "Кутиб олинг, эстрада санъатимизнинг ёрқин юлдузи, буюк хонандамиз ташриф буюрдилар" ёки "Эндиги навбат буюк қўшиқчимизга" дея бу сўзни бемалол ишлатаверишади. Даврага йиғилганлар эса, ўртакашнинг бу гапини олқишлаб, юлдузлик касалини янада кучайтиришади. Бошқа бир мисол. Ўзини тижорат соҳасига урган бир йигитнинг уйида ҳовли тўйи бўлаётганди. Дастурхонга ҳаддан зиёд ноз-неъматлар қўйилган, хизмат қилаётганларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бир пайт маҳалладош йигитлардан бири сўз олиб, зиёфат бераётган йигитни таърифлай кетди:

— Дўстим, сиз буюк инсонсиз, буюк ишларни амалга оширмоқдасиз, сиз билан бир маҳаллада яшаб, бир дастурхон атрофида жам бўлиб ўтирганимиздан бениҳоя хурсандмиз. Раҳмат сизга...

Бунисига нима дейсиз? Кимдир менинг бу эътирозларимга қўшилмас, аммо одамларни тарифлашдаги бу "ҳотамтой"лигимиз кейин-кейин дурустгина ташвишга айланади. "Буюк" деб эътироф этилган санъаткор эрта-индин ўзини чиндан ҳам буюк деб ҳисоблайди, оёғи ердан узилади. Буюклик либоси кийгизиб қўйилган тижоратчи ўзини ҳар кўчага уради. Шундай экан, бу нохушликларга шерик бўлиб қолмаслик учун ҳар сўз, ҳар иборани ўрнида ишлатганимиз маъқул.

**Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА**

## ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Эрталабданоқ матбуот дўконига югурасиз.
Эҳ, яна улгурмайсиз.
Сиздан чаққонроғи илиб кетган бўлади.
Бир ҳафта хунобингиз ошиб юради.
Келаси жума — яна шу аҳвол.
Ундан кўра, югурмай-нетмай, асабингизни бузмай узоқ йиллик ҳамроҳингиз бўлган «ЎзАС»га **ОБУНА** бўлиб қўя қолмайсизми?
Газета ўзи эшигингизни тақиллатиб келаверади.
Нашр кўрсаткичи — 222.

"АСАКАБАНК": ишонч, унум, даромад!

"ҒАЛЛАБАНК": сиздан ҳаракат, биздан барака!

*Илм — ўзни билмакдир*

# МУАЛЛИМЛИК САОДАТИ

Мактаб — ёшларга илм ўргатиш билан бирга ҳаёт сабоқларидан илк таълим ва тарбия берувчи даргоҳ ҳамдир. Истиқлол йилларида элимиз фарзандлари қалбида Ватан туйғусини шакллантириш борасида муаллим ва мураббийлар зиммасида катта вазифалар турибди. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури халқ таълими тараққиётида муҳим омил бўлаётир. Бу муҳим аҳамиятга молик ҳужжатлар асосида давлат таълим тизимининг аниқ дастури ишлаб чиқилган. Яъни таълимнинг беш таркибий қисмдан иборат миллий модели яратилган. Булар — шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришдир.

Мазкур қонун ва дастур асосида фаолият юритаётган мактабимиз жамоаси ҳамкору ҳамнафас бўлиб, жамоада соғлом маънавий ва ижодий муҳит яратишга ҳаракат қилмоқда. Бугунги шиддаткор давр шуни тақозо этади. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида чинакам маънавиятли ва маърифатли инсонгина ўз миллий қадриятлари, ўзлигини англай олиши, Ватанимизнинг жаҳон миқёсида муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик кўрсатиши мумкинлиги алоҳида таъкидланган. "Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси", деб ёзади Юртбошимиз мазкур асарда. Муаллимларимиз бу жараёнга катта аҳамият бериб, аввало ўзларида чин мураббийлик иқтидорини шакллантиришга ҳаракат қиладилар. Фарзандларимизга таълим ва тарбия беришда "ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўра олиш зарур"лигига эътибор қаратамиз. Шунга эришсаккина ўқувчиларда мустақил ва эркин фикрлаш кўникмасини ҳосил қилиш мумкин.

Янги ўқув йили арафасида мактабимиз яхши таъмирланиб, синфхоналар замонавий ўқув қуроллари, асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. Кимё, физика, меҳнат таълими, чизмачилик, лингафон хоналари зарур таълим воситалари билан, кимё ва физика фанлари амалиёти хоналари эса экологик ва хавфсизлик шартларига мос ҳолда махсус жиҳозлар билан таъминланди. Турли тадбирларга мўлжалланган фаоллар ва спорт зали ҳам янги жиҳозлар билан безатилди. Спорт майдони янада обод қилинди.

Ўқувчиларимиз маънавий-маърифий ва педагогик йўналишдаги барча тадбирларда фаол иштирок этишади. Мактаб шаҳар марказида жойлашгани учун бу даргоҳда амалга оширилаётган ишлар ҳамманинг кўз ўнгида. Озодалик ва тартиб-интизомга жиддий аҳамият берамиз.

Мактабимиз инклюзив таълимга ўтиши муносабати билан ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди кўмагида эътиборга молик ишларни амалга оширмоқда. Ҳомий ташкилотлар ободонлаштириш ишларида мунтазам ёрдам кўрсатишмоқда. Бу борада Муборак газни қайта ишлаш унитар корхонаси ва бошқа ташкилотлардан миннатдормиз.

Бугун мактабимизда таҳсил олаётган ўқувчиларга қирқдан ортиқ тажрибали муаллимлар сабоқ беришади. Уларнинг кўплари турли танловларнинг ғолиби. Кимё муаллими Элмира Ҳасанова республика танловида ўз фани бўйича ғолибликни қўлга киритган. Биология ўқитувчиси Зебо Ҳусанова ҳамда она тили ва адабиёт муаллими Маърифат Назировaларнинг тажрибалари вилоятнинг бошқа мактабларида ҳам қўлланмоқда. Ижодкор муаллим Лобар Турсунова ҳам кўрик-танловлар ғолиби. Яқинда унинг шеърий тўплами нашрдан чиқди.

Бу йил «Ёшлар йили» давлат дастури асосида мактабимиз иш режасига бу борадаги қатор тадбирларни киритганмиз. Кўпгина фанлар бўйича очиқ дарслар ўтиш кўзда тутилган. Унда илғор педагогик технологиялар асосида фаолият юритаётган Меҳрибон Набиева, Муҳайё Абдуазизова, Гавҳар Саидхонова каби ёш муаллим ва мураббийларнинг тажрибаларини оммалаштириш ниятидамиз.

Иқтидорли болалар истеъдодини камол топтиришга алоҳида ғамхўрлик қилинади. Уларнинг ҳар бири билан фан ўқитувчилари алоҳида машғулот олиб боради. Шу йил битирувчи синф ўқувчимиз Аббос Пардаев информатика йўналиши бўйича "Келажак овози" танловида иштирок этиб, вилоят кўламида ғолиб бўлди ва компьютер билан мукофотланди.

Ҳамюртимиз, марҳум адиб Самар Нуров ҳаётлик чоғида мактабимизга жуда кўп келар, адабий учрашувлар, турли китоблар тақдимотларини ўтказишга кўмаклашарди. Ҳозир ўқувчиларимиз Самар Нуров хонадонидаги боғ ишларини оталиғига олишган. Мактабда маънавий муҳитнинг шаклланишида Самар Нуров бошлаб берган хайрли анъанани давом эттириш, таниқли ижодкорлар билан учрашув ва мулоқотлар ўтказиш муҳим ўрин тутади. Тез-тез янги китоблар тақдимотлари, адабий учрашувлар ўтказиб туриш яхши анъанамиз. Бу тадбирларда ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар фаол иштирок этишади.

Шуни ҳам айтмоқчиманки, муаллимларимиз ва ўқувчиларимиз орасида "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталигининг мухлису обуначилари жуда кўп. Газетада эълон қилинаётган ижтимоий-иқтисодий, экология ва маънавиятга доир чиқишлар, мунтазам ёритиб бориладиган адабий жараён ва санъат янгиликларини ҳаммамиз хуш кўриб ўқиймиз. Муаллимларимиз ўз савияларини ошириш учун газета саҳифаларидаги чиқишларга тез-тез мурожаат қиладилар.

Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлардан бири — имконияти чекланган болаларни умумтаълим мактабларида ўқитиш юзасидан инклюзив таълим бўйича тажрибалар учун бизнинг мактаб танлангани ҳам бежиз эмас. Ўтган йил октябр ойида мазкур фонднинг тақдимоти бўлиб ўтган эди. Соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий кўмак, ижтимоий инфратузилма, экология фонднинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Худди шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида инклюзив таълим бериш учун аралаш гуруҳлардан иборат мактаб ва болалар боғчалари тузиш таълим тизимидаги ишларнинг энг хайрлиси бўлмоқда. Бу лойиҳани амалга оширишдан кўзланган мақсад ҳам соғлигида нуқсони бўлган болаларни соғлом болаларга қўшиб ўқитишни ташкил этиш ва шу жараёнда болалар ўртасида ўзаро ҳурмат ва меҳр-шафқат муҳитини шакллантиришдан иборат. Бундай болалар асосан алоҳида махсус мактабларда ўқитилгани учун улар кўп ҳолларда ўзларини камситилгандек ҳис этиб, диллари ўксирди. Ҳозирча бошланғич синфларимизда ўнга яқин шундай болалар таҳсил олмоқда. Мазкур фонд тавсиясига кўра, Япония элчихонаси таъсис этган махсус грантни ҳам қўлга киритдик. Бу грантни ютиш учун кўп тер тўкишга тўғри келди. Сабаби у мактабимиз учун янги асбоб-ускуналар сотиб олиш ва замонавий технологияларни қўллашга эришишда катта имкониятдир.

Мен касбдошларимизнинг кўпчилигини фидойи устозлар, чин мураббийлар деб биламан. Зеро, мураббийлик фидойиликни тақозо этади. Истиқлол яратган имкониятлардан баҳраманд ҳар бир устоз, мураббий каби шинам ва ёруғ, замон руҳида жиҳозланган озода синфхоналарда элимиз фарзандларига сабоқ бераётганимиздан фахрланамиз. Уларни улуғ Ватанимизга муносиб юксак ақл-идрокли фарзандлар сифатида камолга етказиш бизнинг муаллимлик бурчимиз, саодатимиздир.



**Сония ТОШЕВА,**
**Қарши шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби директори**

# КЎЗОЙНАК

*Адаб, одоб ва одам*

Ҳаким ота Абдуносирни боши узра кўтариб, эркалатаётганида бехосдан кўзойнагини тушириб юборди. Бетон йўлакчага тушган кўзойнак чил-чил синди. Отахон шиша парчаларини териб оларкан, энди бунақа кўзойнакни қаердан олиш ҳақида ўйларди.

Кўзойнаксиз Ҳаким отага қийин бўлади. Умрини зиёга бағишлаган одам ўқимасдан туролмайди-да. Унинг севимли одати китоб ўқиш, газета варақлаш. Суйган ишингдан мосуво бўлганингдан сўнг, бу ёруғ олам ҳам кўзингга зимистон бўлиб кўринар экан. Уйининг ёнида кўзойнак сотадиган дўкон бор. Аммо отахонга зарури у ерда топилмайди. Ҳатто вилоят марказидаги дўконларда ҳам бунақаси сотилмас экан. Тошкентда ишлаётган ўғилларига илтимос қилиб, махсус ойнадан қилинган шу кўзойнакни топтириб келганди.

Ота кўзойнак синиқларини кичкина пакетчага солиб, Тошкентдаги ўғилларига бериб юбораркан, ҳамқишлоқ болага қаттиқ тайинлади: "Мана шу ойнадан тайёрлангани бўлсин, бошқаси менга тўғри келмайди. Иложи бўлса, эртагаёқ бирон бир киракаш ҳайдовчилардан бериб юборсин. Илтимос ўғлим, ёдингдан чиқмасин!"

Орадан бир ой ўтдики, болалар кўзойнакни жўнатишмади. Ҳаким ота ғамгин бўлиб қолди. Китоб ўқий деса, кўз қурғур ўтмайди. Бошқа юмуш билан шуғулланишга иштиёқ йўқ. Набирасини бағрига олганча хаёл суришдан нарига ўтолмайди. Одам кексайганидан кейин инжиқ бўлиб қоларкан...

Уйда бир ўзи ўтириб, раҳматли хотини Раънохонни кўп эслайди. Улар олийгоҳда бирга ўқиган, бир-бирларини обдон ўрганиб, сўнг турмуш қуришганди. Талабалик йилларида уч фарзанд кўришди. Ҳам талабалик юки, оналик ташвиши Раънохонни анча қийнаб қўйган эканми... Бунинг устига Ҳаким институтдан сўнг илмий иш қилди. Ҳамма ташвишни хотинининг зиммасига юклаб қўйганини кейинроқ англади. Кундузлари кутубхонада китоб титкилар, кечалари илмий иш билан банд бўларди. Минг машаққат билан диссертация ҳам ёқлади. Ўша куни Раънохоннинг севинганини кўрсангиз эди. Ҳомиладор, камқон бўлса-да, меҳмонларга ярим тунгача хизмат қилди.

Умр деганлари нуқул шодликдан иборат эмас экан. Тўртинчи фарзандни дунёга келтираётиб Раънохон чин дунё томон учди-кетди. Айрилиқ изтироби соя солган оиладан бахт йироқлашгандай эди. Чақалоқни вояга етказиш қанчалик азоб эканлигини билмас экан. Бироқ чидади, турмуш ўртоғининг руҳини шод қилиш, оталик бурчини бажариш учун тунни тонгга улади. Бир зумгина мизғиб олар, боласига бирон-бир егулик тайёрлар ва яна китоб титкиларди. Ёлғиз қалбининг суянчиғи ҳам, юпанчи ҳам китоб бўлди. Қанчалик насиҳат қилишмасин, бошқа уйланмади. Тўрт боласини ўзи емай едирди, киймай кийдирди. Фарзандлари билимли, соғлом бўлиб улғайишди. Олийгоҳларда таҳсил олиб, Тошкентда қолиб кетишди. Ёлғиз эркатойи Одилжон у билан қолди. Уйланди, фарзандли бўлди. Келини Зоҳидахон ҳам эсли-ҳушли, отахоннинг кўнглига қараб иш тутади. Унинг қайсидир фазилатлари Раънохонни эслатади. Қизиқ, ундайин тиниб-тинчимас, покиза аёл дунёга яна келармикан?

Ота Аллоҳдан зурриёдларига умр, ризқ-насиба сўраб тонг оттирди. Аксига олиб Одилжон ҳам хизмат сафарига кетган. У бўлганда Тошкентга бир кунда бориб келарди.

Ҳаким ота баъзан санчиб қўядиган юрагини чангаллаганча хомуш ўтирарди. Кунлар шу тарзда ўта бошлади. Зийрак келин қайнотасининг нимадандир хафа эканлигини сезгач, эри келиши билан унга бор воқеани айтиб, қандай бўлмасин битта кўзойнак топиб келишни сўради. Одилжон бўш вақти йўқлигини айтиб, хижолатомуз бош чайқади.

Хуллас, орадан ойлар ўтди. Ўғиллар кўзойнакни юборишмади, Одилжон бўш вақт тополмади. У отасининг соғлиги ёмонлашаётганини сезгач, дўхтирларга кўрсатди. Юрак хуружи кучаяпти, қаттиқ сиқилишдан бўлса керак, дейишди улар. Одилжон ҳамма ишини йиғиштириб, Тошкентга, акаларининг ёнига жўнади.

Бир-бирларини роса соғинишган экан, бир неча кун мириқиб суҳбатлашишди. Театрга боришди, концертга тушишди. Шаҳар барибир шаҳар-да: барча нарса муҳайё, кечаси ҳам ҳаёт қайнайди. Одилжонга "Бухоро" чойхонасидаги суяги олиб пиширилган балиқ, ғиждувонча кабоб бирам ёқдики...

... Одилжоннинг кечикиши отани хавотирга солди. "Ошқозони оғриб турарди, ишқилиб касал-пасал бўлиб қолмадимикин", дея кўзидан уйқуси қочди.

Кайфу сафодан мириқишгач, Одилжон акалари билан бориб махсус жойда битта эмас иккита кўзойнак ясатишди. Отамизни хурсанд қиламиз, деб учовлон йўлга тушишди.

Кун чошгоҳдан оғаётганда маҳаллага кириб келдилар. Уйлари олдида тумонат одамни кўриб, фарзандлари довдираб қолишди. Ҳовлининг ўртасида йиғлаб ўтирган Зоҳида келин уларга қараб ҳам қўймади...

**Обиддин МАҲМУДОВ**

# БУЛОҚДАН СУВ ИЧГАНДА...

## ОТА

**Ота — осмон, ота — денгиз,**
**Майли унда сузингиз.**
**Чўкмагайсиз қанча оғир**
**Бўлса ҳамки юкингиз.**
**Ота бир тоғ, елкасига**
**Чиқаверинг тирмашиб,**
**Юлдузларга қўл узатинг,**
**Ойга чиқинг чирмашиб.**
**Ота чўнг тош, ёғаверинг**
**Қору ёмғир, дўл бўлиб,**
**Чақмоқ бўлиб чақинг кўкда,**
**Қирда яшнанг гул бўлиб.**
**Эсон-омон ўтсангиз бас,**
**Мурод манзили сари.**
**Ота хурсанд, сизга насиб**
**Қилса мақсад гуллари!**

## ОНА ВАТАННИ ЎЙЛА

**Булоқдан сув ичганда**
**тоғ эсингдан чиқмасин,**
**Чакканга гул таққанда**
**боғ эсингдан чиқмасин.**

**Сенга ҳарфни ҳижжалаб**
**ўргатганни унутма,**
**Тил бериб, ҳар бир сўзни**
**куйлатганни унутма.**

**Ушалганда иссиқ нон**
**сахий қўлни эслагин,**
**Тўкин кунларга етган**
**оғир йўлни эслагин.**

**Тўйчи ҳофиз "Ушшоғ"ин**
**тинглаганда фикр қил,**
**Навоийдек бобомиз**
**борлигига шукур қил.**

**Барно экан бўй-бастинг**
**ота-онанг ёдда тут,**
**Ўтган шод-қувноқ кунинг —**
**хонадонинг ёдда тут.**

**Олисга қилсанг сафар**
**соғлом юр, танни ўйла,**
**Келсанг, бағрига босар,**
**она Ватанни ўйла!**

**Баҳром МАҲМУД**

# ЭҲТИЁТ БЎЛГАН ЯХШИ

"Сув балосидан, ўт балосидан асрасин" деган нақл бежиз айтилмаган. Эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб туфайли чиққан ёнғин оқибатида нафақат моддий зарар етиши, инсон ҳаёти ҳам завол топиши мумкин.

Ёнғинларнинг аксарияти фуқаролар турар жойларида юз бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, газ ва электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, масъулиятсизлик, қаровсизлик, бефарқлик, умуман ёнғин хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида уй-жойларда ёнғин чиқиш ҳоллари кўплаб учрамоқда.

Айниқса, кузги мавсумда бир қатор ижтимоий, тиббий, маиший омиллар боис ёнғин чиқиши эҳтимоли анча кучаяди. Аввало, кузги-қишки иситиш даврида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларини янада кучайтириш лозим. Хусусан, мактабларда, болалар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб қилиш, тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Носоз электр асбобларидан фойдаланувчи катта ёшдагилар ҳам эҳтиётсизлик, лоқайдликдан ўзларини тийишлари керак.

Ўтган ишга пушаймон қилгандан кўра, кўнгилсизликнинг олдини олган маъқул.

**Н.УМАРХЎЖАЕВ**

*Халқаро ҳаёт*

# ВАҚТ ЯНА ҲАКАМЛИК ҚИЛАДИ

***Америкада навбатдаги Президентлик сайлови ниҳоясига етди. Ҳар икки номзод ўртасидаги кураш демократлар партияси номзоди Барака Обама фойдасига ҳал бўлиб, у келгуси йилнинг январ ойидан бошлаб Оқ уйни расмий равишда эгаллайди. Республикачилар, гарчи сўнгги дақиқаларгача ғалаба умидида яшаган бўлсаларда, мағлубиятни тан олишга мажбур бўлдилар.***

Сиёсий кузатувчилар демократларнинг Оқ уйга келиши тасодифий эмаслигини таъкидлашмоқда. Бу фикр сайлов якунидан анча аввал ҳам айтиб ўтилди. Чунки мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий янгиланиш эҳтиёжи аллақачон кўзга ташланган, ички ва ташқи сиёсатда, давлатлараро муносабатларда, яқин қўшничилик алоқаларида янги қарашларга эга янги лидер кутилаётганди. Сайловчилар, айниқса ёшлар ўзларига бевосита тааллуқли кўплаб нарсаларнинг ўзгариши ёки янада такомиллашишини исташаётганди. Бу истак кейинги тўрт йил ичида сезиларли даражада кучайди. Сиёсатдонлар овоз берувчиларнинг бу галги фавқулодда фаоллигини айни шу ҳолат билан боғламоқдалар.

Республикачилар Оқ уйда яна тўрт йилга қоладиларми ёки иссиқ ўринларини демократларга бўшатиб берадиларми, деган савол кейинги бир йил ичида АҚШнинг ўзида ҳам, унинг ташқарисида ҳам жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Боиси, бугунги дунёнинг умумий муаммолари, глобаллашув жараёнининг моҳияти шундаки, эндиликда бир жойда эсган шабада ўша пайтнинг ўзидаёқ бошқа бир жойда ҳам сезилади. Яқинда бўлиб ўтган, нохуш акс-садолари Европа, Осиё мамлакатларига ҳам етиб келган молиявий танглик бу фикрнинг исботи бўла олади. Бу танглик эндиликда дунёда қитъалар, давлатлар, турли босқичдаги миллий иқтисодларнинг умумий манфаатларига мос янгича молиявий тартиб, қонун-қоида ўрнатиш пайти келганлигини ҳам кўрсатди. Соҳа мутахассисларининг фикрича, дунё молиявий муносабатларининг бир жойдан туриб бошқарилиши гоҳо сунъий инқирозларни ҳам юзага келтириши мумкин экан.

Ўтаётган йилнинг якунланишига яна икки ой муддат бор. Аммо ваколатли сиёсатдонлар ҳозирнинг ўзидаёқ республикачиларнинг сўнгги саккиз йиллик фаолиятини ҳисоб-китоб қилишни бошлаб юбордилар. Бу йиллар ичида Америка халқи қандай ютуқларга эришди, мамлакатнинг дунё миқёсидаги нуфузи, иқтисодий қудрати, халқнинг маънавий-руҳий ҳолати Билл Клинтон даврига нисбатан қайси томонга қараб ўзгарди? Бу саволлар, биринчи навбатда оддий америкаликларни қизиқтиради ва, табиийки, бошқаларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

Кузатувчилар фикрича, сўнгги саккиз йиллик муддат Американинг дунёнинг етакчи давлати сифатидаги обрў-эътиборига озроқ путур ҳам етказди. "Совуқ уруш" сиёсати барҳам топганидан кейин мамлакат ҳукмрон доиралари нуқтаи назарида юзага келган яккаҳокимлик мақомидан келиб чиққан ҳолда олиб борилган "шиддатли" ташқи сиёсат кутилган натижани бермади. Бунда Оқ уй маъмурларининг ҳар бир жойнинг, мамлакатнинг у узоқ ёки яқинда бўлсин, катта ёки кичик бўлсин, озми-кўпми давлатчилик анъаналари, шу анъаналар асосида танлаган миллий ривожланиш йўли, халқининг яшаш тарзи, дини, маданияти ва яна иззат-нафсонияти ҳам борлигини ҳисобга олмаганлари панд берди десак, хато бўлмайди.



Оқ уйда ўта тор доирада ишлаб чиқилган режага кўра, Қўшма Штатларнинг Ироққа бостириб кириши Америка халқи олдида Буш маъмуриятининг нуфузини ошириши, демократик тамойиллардан чекинаётган тузумлар, тинчликка раҳна солаётган кучлар олдида эса бу маъмуриятнинг қатъиятини, ҳарбий қудратини намойиш қилиши лозим эди. Аммо бундай бўлмади. Ироққа қарши коалиция жангчилари орадан неча йиллар ўтса-да, у ерда тахмин қилинган, американликлар онгида Ироққа нисбатан қўрқув ва нафрат уйғотган оммавий қирғин қуроллари сақланаётган омборларни топа олмадилар. Аммо мамлакат ҳаёти бутунлай издан чиқди, сон-саноқсиз одамлар қурбон бўлди. Бу урушга 2 – 2,5 триллион доллар маблағ сарфланди. Ироққа адолат ўрнатиш учун келган 4 мингдан ортиқ аскарларнинг ҳаётига шу ерда нуқта қўйилди.

Сайлов муносабати билан оддий америкаликлар кўп нарсаларни бир-бирига қиёслашди. Жумладан, Жорж Буш дастлабки сайловда ғолиб келиб, Билл Клинтоннинг ўрнини эгаллаганида мамлакатнинг бюжети нисбатан бақувват ва соғлом эди. Эндичи? Биргина федерал қарзнинг ўзи бир неча триллион доллардан ошди, ишчи ўринлари 1,5 миллионга қисқарди. 2007 йилнинг бошида Америка халқига қилган мурожаатнутқида Президент ўз маъмурияти олдида халқаро терроризмга қарши кураш, Ироқдаги урушни ғалаба билан якунлаш, мамлакат иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш, энергетика хавфсизлигини таъминлаш, тиббий хизматга доир имтиёзларни йўлга қўйиш ва ҳоказо вазифалар турганлигини маълум қилган эди. Аммо бу мақсадларга эришишда сезиларли силжиш бўлмади.

Кузатувчилар номзодларнинг бу галги беллашуви ниҳоясига етмасиданоқ, аввалги сайловларда бўлиб ўтган баъзи англашилмовчиликларни назарда тутган ҳолда, мамлакатда Президентлик сайловини ўтказиш, хусусан сайловчиларнинг овозини санаш тартибларини жиддий ислоҳ қилиш зарурлигини таъкидлашди. Чунончи, сайловларга кўмаклашувчи комиссиянинг собиқ аъзоси Пол де Грегорио "Биз сайловларда ҳануз биринчи жаҳон уруши йиллари қўлланилган усуллардан фойдаланиб келмоқдамиз" деса, сайлов технологиялари бўйича йирик мутахассис Рой Солтмен ҳар бир штатда партияларга тегишли ёки тегишли бўлмаган бирор бир орган бўлиши ва у сайлов жараёнини кузатиб бориши лозимлигини таъкидлаб, "Бу масалада биз бошқа демократик мамлакатлардан анча орқада қолиб кетганмиз", деган фикрни олға суради.

Сайлов якунланди. Барака Обама "Биз Американи янгилаймиз, дунёни ўзгартирамиз", дея ўз тарафдорларини ишонтира олди. Унинг бу ниятлари нечоғли амалга ошишини вақт кўрсатади.

**А.МЕЛИБОЕВ**

*Мулоҳаза учун мавзу*

# "ЖУМОНГ"ГА ЯҚИНЛАШИБ...

## «АЛПОМИШ»ДАН УЗОҚЛАШМАЙЛИК

Ҳар бир халқ оғзаки ижодида асрлар мобайнида улуғлаб келинган қадриятлар, урф-одат ва анъаналар акс этиши табиий. Фолклорда ифодаланилган ғоялар халқ мифологияси билан боғлиқ. Халқимиз мифологик қарашлари асосини эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси ташкил этади. Буни биз халқ оғзаки ижодидаги барча асарларда: эртак ва достонлар, афсона ва ривоятлар, мақол ва топишмоқлар, ҳатто латифаларда ҳам кўришимиз мумкин.

Халқнинг эътиқодий тушунчалари, баҳодирона ўтмиши, умуман, халқ сифатида мавжудлигини ёрқин акс эттирувчи жанрлардан бири бу қаҳрамонлик эпосларидир. Эпос бу — халқнинг ҳужжати. Маълумки, ҳужжат муайян шахс ёки мамлакат билан боғлиқ барча жиҳатларни ўзида ифодалайди. Шу маънода эпос ҳам халқнинг ўтмиши, маънавияти, қадриятлари, юксак руҳининг инъикосидир.

Асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб келаётган "Алпомиш" достонини ўзбек халқининг ҳужжати, дейиш мумкин. Унда ўзбекка хос барча сифатлар ўз ифодасини топган.

Ўзбек борки, бошқалар у ҳақда ёмон фикрда бўлишини истамайди. Гарчи етти ёт бегона бўлса-да, ўша одамда ўзи ҳақида ёмон таассурот қолдирмасликка ҳаракат қилади. Ҳар бир қадамини: "Одамлар нима дейди?", деган истиҳола билан босади. "Ким нима деса деяверсин", деган қараш ўзбекка хос эмас. Унинг учун халқнинг фикри муҳим.

"Алпомиш" достонида келтирилишича, Бойбўри билан Бойсари фарзандсизлик тақдирига кўниб яшаб юришганда, ўн олти уруғ Қўнғирот элининг бир тўйига бориб қаттиқ ранжишади. Халқнинг уларга нисбатан эътиборсизлигини кўриб: "Бизлар келсак отимизни ушлар эдинглар, кўнглимизни хушлар эдинглар, остимизга либосни ташлар эдинглар, бу дафъа биздан нима кўтоҳлик ўтди, бизни бундай беҳурмат қилдинглар?", деб сўрашади. Шунда эл орасидан бир чапани туриб жавоб беради: "Бул тўй ўғиллининг ўғлидан, қизлининг қизидан қайтади, сенинг нимангдан қайтади? Биз сенинг давлатингдан бўлиб оламизми?". Бу гапларни эшитиб, бекларнинг орияти қўзийди. Элнинг фикрини эшитиб, "Биз ҳақимизда шундай ўйлашаркан", дея бу юришни ўзларига ор билишади. Яна бир мисол. Бойсари акаси билан аразлашиб Чилбир чўлига кетиб қолганда, қалмоқлар унинг бошига не кўргуликларни солса-да, ўз юртига қайтмайди. "Қайтиб борсам эл нима дейди, охири қайтиб келаркансан, кетиб нима қилардинг?", деган таъналарни эшитишдан кўра бегона юртда яшашни афзал кўради.

Ҳозирда бундай қадриятлардан узоқлашиб кетаётгандаймиз. Кўча-кўйда, жамоат жойларда кимдир бизга қилаётган ишимиз ё гапираётган гапимизнинг нотўғрилигини айтса ёки кийинишимиз, муомала маданиятимиздан нолиб танбеҳ берса, "сенинг нима ишинг бор", қабилида ўз билганимиздан қолмаймиз. Аждодларимиз минг йиллар мобайнида қадрлаб келаётган халқ фикрига мувофиқ иш тутиш, катталар сўзига амал қилиш, бировда ўзи ҳақида ёмон таассурот қолдирмаслик, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўймаслик каби юксак қадриятларни четга суриб, ғарбча эгоизм ортидан кўр-кўрона эргашаётгандаймиз.

Яқинда телеэкранларда намойиш этилган "Жумонг" сериалини каттаю кичик севиб томоша қилдик. Ундаги жанговор руҳ, уруш лавҳалари, айниқса, болалар онгида анчага муҳрланиб қолгандек. Сериал қаҳрамонларига тақлид қилиб, болалар ўртасида қиличбозлик, найзабозлик ўйинлари авж олди. Ўз-ўзидан маълумки, бу жараёнда ўйинчоқ ишлаб чиқарувчи корхоналар бозори ҳам чаққон бўлди. Қаерга қараманг, "Жумонг"нинг суратлари. Плакатларда, дафтар муқоваларида, ҳатто ширинликлар қоғозида ҳам "Жумонг"! Болаларни-ку тушунса бўлади, аммо катта ёшдагиларнинг қўл телефонларидан янграётган "Жумонг"нинг овозини эшитиб, ҳайрон қоласиз.

Тўғри, сериалнинг ижобий жиҳатлари ҳам талайгина: ҳалоллик, мардлик, ватанпарварлик ва ҳоказолар. Лекин бу сериал бизнинг руҳимизга тўла мос келмайди. Бизда одамлар ўртасидаги низоларни қон тўкиш билан эмас ҳамиша тинч йўл билан ҳал қилишнинг чорасини излашган. Буни халқ достон ва эртакларида, ривоят ва мақолларида ҳам кўрамиз. "Тоғ тоққа қовушмайди, одам одамга қовушади", "Бир кун уруш бўлган уйдан қирқ кун барака кўтарилар", "Бўлинганни бўри ер, айрилганни айиқ", "Қонни қон билан ювилмайди", "Ўт аланга билан ўчирилмас" каби мақоллар халқни аҳил бўлишга, ўртадаги низоларни муроса йўли билан бартараф этишга ундайди. Бу ғоя "Алпомиш"да ҳам кўп кўзга ташланади. Бойсари акасидан ранжиб қалмоқ элига кетишидан олдин халққа маслаҳат солганда, халқ уни акаси билан аҳил бўлишини маслаҳат беради. Ёки Барчинга қалмоқ алплари совчи бўлиб келганда ҳам, улардан қутулишнинг тинч йўлини излашади.

Мақсадимиз ўзга халқлар қадриятларини камситиб, ўзимизникини улуғлаш эмас, балки ўз ўтмиш анъаналаримизни унутмасликка даъват этиш. "Жумонг" сериалини кўрган ўзбек болаларидан корейс халқининг тарихи, қаҳрамонлари ҳақида сўрасангиз, ҳеч ўйланмасдан жавоб бера олишади. Лекин Алпомишнинг ҳатто ким эканлигини билмайдиган ўзбек боласини кўриб, ажабланмай иложимиз йўқ. Шундай лаҳзаларда кўнгилда, наҳот "Алпомиш" унутилиб кетади, деган хавотир кечади.

**Зарина РАҲМОНОВА,**
**ЎзМУ ўзбек филологияси факултети магистранти**

